


АҚШда мусулмонларнинг Конгресси бўлиб ўтди



14:00 / 24.04.2019 2777

АҚШ пойтахти Вашингтонда Шимолий Америка ислом жамоаси (ICNA) ва Мусулмон Америка жамияти (MAS) томонидан уч кунлик конгресс ташкил этилди.

Ҳар йили ташкил этиладиган ушбу йиғиннинг навбатдаги мавзуси “Инсонийлик яхшилаш: Исломдан таълимотлар” деб номланди. Тадбирга АҚШнинг 50 штатидан қарийиб минг нафар мусулмон ташриф буюрди. Йиғилишда сўнгги пайтларда кучайиб бораётган исломофобия, ирқчилик каби ёт ғояларга кескин муносабатлар билдирилди ва Шри Ланкадаги террорчилик ҳаракат танқид остига олинди.

АҚШ Мусулмон ташкилотлари уюшмаси (USCIMO) бош котиби Усома Жамал Шри-Ланкадаги террорчилик ҳақида ўз фикрини ифода этиб: “Бу таҳдидни нафақат христиан дунёсига, балки бошқа динларга қарши ҳаракат деб қараш лозим. Ўзаро тушунишга катта эҳтиёж сезилаётган бу замонда бу каби таҳдидлар адоватни кучайтиради. Жамиятдаги бирликка раҳна солувчи бу каби таҳдидларга йўл бермаймиз”, – деди.

ICNA тадқиқотлар маркази раҳбари Муҳаммад Тариқ Роҳманий 24 минг мусулмон иштирок этган ушбу тадбир ҳақида гапириб: «Дунёнинг тўрт тарафидан АҚШга келган турли ранг, ирқ, ва миллатдаги мусулмонлар ушбу конгрессда бирлашди. Ислом умматининг асл суратини кўрмоқчи бўлганлар конгрессдаги мусулмонлар жамоасига назар солсалар кифоя», – деди.

Конгресс доирасида катта кўргазма ташкил этилди. Шимолий Америка ислом жамоаси (ICNA) ва Мусулмон Америка жамияти (MAS) АҚШ даги мусулмонларга ёрдам бериш ва маданий тадбирларни ташкил этиш борасида катта ишларни олиб бормоқда.

Islom.uz портали таҳририяти